



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
SO'X TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151400, So'x tumani, Ravon ko'chasi, 102-uy, tel.:(998 73) 462 57 71  
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: sux.t-yurmarkaz@adliya.uz

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'GRISIDA**

**HUQUQIY XULOSA № RD 8343217782**

**1.Loyihning turi.**

SHARTNOMA

**2.Loyihaning nomi.**

So'x tumani Xaliq ta'lim bo'limi Toza hudud bilan tuzilgan tuzilgan  
shartnoma loyihasi

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana to'grisidagi malumot.**

- Fargona viloyati Adliya boshqarmasi huzuridagi davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat ko'rsatish So'x tumani markaziga So'x tumani Xaliq ta'lim bulimi tomonidan 26.01.2022 yil shartnoma loyihasini ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan.

So'x tuman Xalq ta'lim bulimi shartnoma loyihasi amaldagi qonunosti hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq

So'x tumani Yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi  
bosh yuristkonsulti :  
26.01.2022



F.Boboev

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар (Бюджетдан ташқари) ва юридик шахслар ҳамда ички тартибдаги тадбиркорлик субъектлари учун маиший чиқинди(М.Ч.)ларни олиб чиқиш кетиш бўйича хизмат кўрсатиш ШАРТНОМАСИ № 2

“25” Январ 2022 йил

Бундан буён матнда “Ижарачи” деб аталувчи корхона тўғрисидаги низом асосида фаолият олиб боровчи “Зумради Шаффофи Янгиариқ” х/х номидан Х.Мухаммадхужаев бир томонидан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи Сух тумани ХТБ номидан раҳбар Б.Хусейнов иккинчи томонидан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

#### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 “Буюртмачи” М.Ч ларни белгиланган тартибда топширади. “Ижрочи” эса \_\_\_\_\_ манзилдан \_\_\_\_\_ маротаба \_\_\_\_\_ донга чиқинди саклаш қутиларидаги маиший чиқиндиларни (бундан буён матнда М.Ч деб ўқилади) ташиб чиқиб кетиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади. “Буюртмачи” эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябр кунги ПФ-5580-сонли Фармониغا асосан 100 фоиз олдиндан хизмат тўловларини тўлиб бериши шарт.

#### 2. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх ҳар бир м<sup>3</sup> учун 48000 сўм, кўрсатилган хизмат бўйича ҚХС (15%) билан \_\_\_\_\_ сўм.
- 2.2 Шартнома бўйича кўзда тутилган тўлов суммаси 936 м<sup>3</sup> 44 928 000 (Кирк тўрт миллион тукиз юз йигирма саккиз минг)сўмни ташкил этади.
- 2.3 Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси.
- 2.4 Ҳар ойнинг 10 санасигача кейинги ой учун кўрсатиладиган хизмат тўловларни 100% миқдорда “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаб бериш шарт.

#### 3. “БУЮРТМАЧИ” МАЖБУРИЯТЛАРИ

Маиший чиқинди ҳосил бўладиган майдон ҳажмини кадастр ҳужжатлари асосида Ижрочиға тўғри маълумот тақдим этиш.

- 3.1 Маиший чиқиндиларни йиғилиш ҳажми ва олиб чиқиб кетиш муддатига биноан керакли миқдорда чиқиндилар йиғиш қутиларини алоҳида шартномалар ва тўловлар асосида сотиб олиш;
- 3.2 М.Ч ташланадиган қутиларни қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндилар, шох-шоббалар билан тўлдирмаслик, аксинча уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида бир марталик шартнома тузиш;
- 3.3 Чиқинди саклаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига автомобилларининг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз ҳолда саклашни таъминлаш;
- 3.4 М.Чларни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда телефонига телефонограмма йўллаш орқали “Ижрочи”га маълумот бериш;
- 3.5 Бажарилган ишнинг ҳажмини “Ижрочи”нинг ҳужжатларида “Буюртмачи” вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бериш;
- 3.6 Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмининг бажарилганлигини кўрсатувчи ҳисоб далолатномаси расмийлаштириш;
- 3.7 “Буюртмачи” маиший чиқиндиларни марказий кўчаларининг белгиланган жойларига кеч соат 18-00 дан эрталабки 24-00 гача олиб чиқиш огоҳлантирилади.

#### 4. “ИЖРОЧИ” МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1 Алоҳида шартнома ва тўловлар асосида “Ижрочи” “Буюртмачи”га чиқинди йиғиш қутиларни керакли миқдорда алоҳида шартномалар ва тўловлар асосида сотиш;
- 4.2 “Буюртмачи” ҳудудидан МЧ ташланадиган махсус қутилардан махсус автомобиллардан жадвал асосида чиқиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш;
- 4.3 “Буюртмачи” нинг буюртмасига асосан қушимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни, шох-шоббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш;

- 4.4 “Буюрмачи” томонидан МЧни ўз вақтида олиб чикиб кетилмагани тўғрисидаги маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида “Буюртмачи” ҳудудидан чиқиндиларни олиб чикиб кетиш;
- 4.5 Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1 “Ижрочи” томонидан МЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда “Буюртмачи” телефон орқали “Ижрочи” нинг вакилининг далолатнома тузиш учун чиқартириш керак. Агар “Ижрочи” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида МЧ олиб чикиб кетилмаса, “Буюртмачи” далолатнома тузади ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади;
- 5.2 “Ижрочи” томонидан ўз вақтида МЧ олиб чикиб кетилмаганда икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳар бир кун учун олиб чикиб кетилмаган МЧ ҳажми қийматидан 0,4 фоиз миқдорда, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда “Буюртмачи” га пеня тўлайди;
- 5.3 “Буюртмачи” шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланманган сумманинг 0,4 фоиз миқдорда, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50 фоиздан ошмаган миқдорда “Ижрочи”га пеня тўлайди;
- 5.4 Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

#### 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1 Шартнома бажариш пайтида юзага келган муаммоларни томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиши мумкин. Бўлмаган ҳолларда иқтисодий суди томонидан ёки ҳокимлик суди томонидан ҳал қилинади;
- 6.2 Томонларнинг манзили корхона номи ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳам ҳамда МЧ ҳажми ўзгаришга таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга ўн кун ичида ёзма маълумот беради;
- 6.3 Шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган МЧнинг ҳажми “Буюртмачи”нинг айби билан тақдим этмаса ёки “Буюртмачи” “Ижрочи”нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришда бош тортса “Ижрочи” жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилади деб ҳисобланишга ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишга асос бўлади.

#### 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

- 7.1 Тарафлар ўз ихтиёрларига қарамай юзага келиши мумкин бўлган сабаблар ёхуд ҳолатлар (шу жумладан зилзила, сув тошқини, уриш ҳолати, тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа табиий офатлар) ҳамда ҳукуматнинг номатив-ҳуқуқий ҳужжати қабул қилиниб, шартномавий мажбуриятларини бажарилишига тускинлик қилишига олиб келганда, бу ҳолатлардан хабардор бўлган ёки бўлиши лозим бўлган тараф икки ҳафта олдин бошқа тарафга ёзма равишда маълум қилган ҳолдагина ушбу ҳолатлар форс-мажор ҳолати ҳисобланиб ушбу ҳолатда тарафлар мажбуриятларини бажара олмаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар.

#### 8. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

- 8.1 “Ижрочи” хом-ашъё, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари ва кам ойлик иш ҳақининг миқдорини ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришига ҳақлидир ва у “Буюртмачи” ни шу тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилади.
- 8.2 Шартноманинг ҳуқуқий асослари:  
Ўзбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 05.04.2002 йил 361-1 сонли қарори мувофиқ амалга киритилган 05.04.2002 йил №362-2 “Ўзбекистон Республикаси чиқиндилар тўғрисидаги қонуни”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194 сонли қарори 3-илова, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024 сонли фармони, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “2017-2021 йилларда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни мамалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2916 сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 18 майдаги ПҚ-3370 сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 25.09.2018 йил кунги “санитария жиҳатдан тозалаш соҳасида

хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳудудларни бириктириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 765 сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2018 кунги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлиги янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги 787 сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви такомиллаштириш бўйича қўшимча сора-тадбирлари тўғрисида”ги 03.10.2018 йил кунги ПҚ-3956 сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 22.11.2018 йил кунги “қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5580 сонли фармони.

#### 9. ШАРТНОМА МУДДАТИ

9.1 Шартноманинг муддати рўйхатга олинган кундан “ 25 ” 01 2022 дан “ 31 ” 12 2022 йилгача белгиланади.

#### 10. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ, ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТАРТИБИ

- 10.1 Амалдаги шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин;
- 10.2 Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки шартноманинг муддатидан илгари бекор қилиш ушбу ҳақидаги таклифлар ёзма равишда амалга оширилиб, ваколатли шахслар томонидан имзолангандан сўнггина ҳақиқий деб топилиб, ушбу илова шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади;
- 10.3 Ушбу шартнома икки нусха тузилган бўлиб, ҳар бири юридик кучга эгадир. Шартнома бир донадан ҳар бир тарафда сақланади.

#### 11. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «БУЮРТМАЧИ»

Сўх тумани ХТБ  
Сўх тумани Ровон мфй  
Банк номи Тошкет ш маркази банки  
х/р 100022860302267092100075042  
МФӨ 00014 ИНН 206933142



Раҳбар: Б.Хусейнов

##### «ИЖРОЧИ»

«Зумрад Шаффофи Янгиариқ» х/х  
Агробанк Сўх туман филиали  
Сўх туман Омўзгор кўчаси  
х/р: 20 508 000 000 759565001  
МФӨ: 00542 ИНН: 300960444



Х.Мухаммадхужаев

Хуқуқшунос: \_\_\_\_\_

##### Юридик хулоса

Тузилаётган шартнома лоиҳасини ҳуқуқий экспертизасини “Хужалик юритувчи объектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 10,20,21 моддаларига биноан ҳуқуқий экспертизан ўтказилди. Шартнома Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 355 -354, 357-366 моддаларига мос келади. Шартнома предмети, ҳисоб-китоб тартиби, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби ва бошқа зарур шартлар белгиланди. Шартнома реквизитлари тўлиқ тўлдирилган. Шартномадаги тарафлар томонидан шартнома имзоловчилар ваколатлари ўрганилиб, шартнома тузишга ваколатлилиги аниқланди. Мазкур шартнома лоиҳасинини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда тузилди ва шартнома бўйича тарафлар ўзаро хужалик алоқаларни йўлга қуйиб манфаатли ҳамкорликни йўлга қуйишлари мумкин. Хулоса сифатида шартномани имзолош мумкинлиги аниқланди.